



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 23 апрель, № 79 (4994)

Жума

Андижон вилояти: САНОАТИ ПЕШҚАДАМ, САЛОҲИЯТИ ЮКСАК



СУРАТДА: "Андижонкабель" қўшма корхонаси бош технологи Дилшодбек Ҳасанов ва ишчи Улуғбек Насриддинов.

Азамат ТОШМАТОВ олган сурат.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодийликнинг барча жабҳаларида, хусусан, саноатда ҳам сифат ва суръат йил сайин юқорилаб бораётир. Бундай муваффақиятларга, аввало, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш, қолаверса, янги-янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобига эришилаётгани диққатга сазовордир.

Модернизация

Гап шундаки, кейинги йилларда республикамизнинг энг олис қишлоқларида ҳам илғор технологияларга асосланган замонавий корхоналар барпо этилаётгани, бу соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, сўнгги бир-икки йил ичида Андижон вилоятининг Жалакудук туманида "Алёртекс", Избоскан туманида "Пойтутекс", "Тагустекстиль", Марҳамат туманида "Полвонтош", Қўрғонтепа туманида "Самошертекс" сингари кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, корхоналарни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнлари ҳам ўз самарасини бераётти. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 13 ноябрдаги "2006 — 2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан, вилоятда умумий лойиҳа қиймати 69,5 миллион АҚШ долларига тенг 13 та энгил саноат корхонаси модернизация қилинди, истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига 40,5 минг тонна калава ип ва 6 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилди, 39 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот эса четта сотилди.

Вилоят саноатининг бугунги ривожини ва салоҳиятини, хусусан, "Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг алоҳида ўрни бор.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар, хабарлар

ТОШКЕНТда она ва бола соғлиғи муҳофазасида скрининг хизматининг ўрнига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Соғлом она — соғлом фарзанд

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда юртимиздаги шифо масканларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ва қатор хориж давлатларидан келган мутахассислар иштирок этди.

Маълумки, бугун мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш устувор вази-фалардан бири саналади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод-ни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига муво-фик, юртимизда бу борадаги

(Давоми 2-бетда).

«Фаровонлик учун ҳамкорлик»

САМАРҚАНД шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазир-лиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги-да қандли диабет касал-лигининг олдини олишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

"Фаровонлик учун ҳам-корлик" шiori остида ўтқа-зилган мазкур тадбирда юр-тимиз тиббиётчилари билан биргаликда Россия, Грузия, Қозоғистон, Германия ва Даниядан ҳам тадиқотчи олимлар иштирок этдилар.

Анжуманда соҳа мутахас-сислари ўзаро таҳриб ала-машини билан бир қаторда, қандли диабетга чалинган инсонлар, хусусан, болалар-га яқиндан ёрдам бериш, уларни инсулин билан таъ-минлаш мақсадида амали-ётга жорий қилинган "Хаёт учун инсулин" ва "Болалар-га хаёт" каби халқаро дасту-рлар ижросини ҳам атроф-лича муҳокама қилдилар.

С. АБДУРАСУЛОВ.

Миллий либослар кўргазмаси

ФАРФОНА, Марғилон шаҳрида ЮНЕСКО либос-ларига "Миллий либослар — замон кўрки" мавзусида кўргазма бўлиб ўтди.

Шарқ халқларининг унути-либ кетаётган қадимий мато-лари ва миллий либослари-ни қайта тиклаш, уларнинг кели-чиқ тарихини ўрганиш мақсадида ташкил этилган тадбирда водий вилоятлари тўқимачилари билан бирга-ликда, қўшни республикалар-дан ҳам моҳир чевар ва ди-зайнерлар иштирок этдилар.

Кўргазмага қўйилган мил-лий матолар ва либослар бу ерга таширф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

КЕКСАЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Мамлакатимизда кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 24 мартда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон урушидаги галабининг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони ёши улугъ юртдошларимизга кўрсатилган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

— Айни кунларда пойтахтимизда 1700 нафардан ортиқ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилади, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбо-

сари Абдуназар Шералиев. — Тиббиёт ходимлари томонидан саломатлиги назоратга олинган нуриониларга 2009 йили 14 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили пойтахтимизда яшаётган ўнлаб уруш ҳамда меҳнат фахрийсига жойлардаги сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш ва дам олиши учун бепул йўланма берилган. Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги Янгиобод

маҳалласида яшовчи Қиёмиддин Боқаев бу йил 87 баҳорни қарши олди. Турмуш ўртоғи Озода опа билан пиру бадавлат ҳаёт кечирмоқда.

— Мамлакатимизда фарзандларимизнинг ўқиши, меҳнат қилиши, спорт билан шуғулланиши учун яратилган замонавий шарт-шароитга ҳавас қилса арзийди, — дейди Қиёмиддин бобо. — Биз, кексалар шундай дорил-амон кунларга етганимизга шукроналар айтамыз. Кексаларга меҳр-оқибат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар ўзини янада тетик ва бардам ҳис қилади. Давлатимиз раҳбарининг иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони билан танишиб, бундай эътибордан баҳраманд бўлаётганимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).

Чорак якунларига бағишланди

Самарқандда жорий йил биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими У. Барноев олиб борган йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларининг ижроси юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар атрофида таҳлил қилинди.

Таъкидландики, ислохотларнинг изчил амалга оширилиши тўғрисида вилоятда биринчи чорак якунларига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда 12,2 фоизлик ўсишга эришилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 10 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 7,1

фоизга ошди. Бундан ташқари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, чакана савдо 12 фоизга, хизматлар кўрсатиш 18,2 фоизга кўпайди. Инқирозга қарши чоралар дастури

Фаоллар йиғилиши

ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури доирасида 21,1 мингта янги иш ўрни очилди. Эътиборлиси, янги иш ўринларининг 80 фоиздан кўпроғи бевосита қишлоқ жойларга тўғри келади.

Шунингдек, йиғилишда бу каби ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди. ***

Хоразм. Фаоллар йи-

ғилишида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чораги якунлари кўриб чиқилди ва 2010 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳо-

еса 54,5 фоизга етказилди. Биринчи чорада вилоятда экспорт ҳажмининг 89,6 фоизга ўсиши таъминланди.

Корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ажратилган инвестицион кредитлар 6 миллиард сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоизга ўсди.

Шунингдек, йиғилишда шу давр оралиғида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Муҳокамада иқтисодий-ни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳўжаев сўзга чиқди.

А. САТТОРОВ,
О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ЯНГИ ЗАВОД ИШ БОШЛАДИ

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида янги завод ишга туширилди.

Президентимиз Ислам Каримов Фармонида мувофиқ ташкил этилаётган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бу ерда барпо этилаётган замонавий, юқори технологияли корхоналар жаҳон бозорларида харидорлар ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз компания ва фирмаларига ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодийни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун мавжуд барча захира ва ресурсларни сафарбар этиш имконини беради.

панияси матбуот хизматининг маълум қилишича, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» унитар шўъба корхонаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Шўртан газ-кимё қурилиш» шўъба корхонаси «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган заводнинг технологик линияси ускуналарини монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш ишларини ниҳоясига етказди.

Бу ерда экстрадур линия ишга туширилди ва дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Келгусида янги қувватларни фойдаланишга топшириш ҳамда нафақат ички бозор, балки экспорт учун мўлжалланган маҳсулотлар ҳажми ва турларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг ком-

ЭКОЛОГИК САЙТЛАР ТАҚДИМОТИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Чинор ЭНК» экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда экологик сайтлар ривожланишининг истиқболлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Таъкидландики, экологик вази-ятни яхшилаш, атроф-муҳитга техноген ва антропоген таъсирларининг олдини олишда аҳоли-нинг экологик маданиятини юк-

салтириш, уларнинг она-табиат-га нисбатан фўқаролик масъули-ятини кучайтириш муҳим аҳами-

ятга эга. Бунда оммавий ахборот воситалари, хусусан, унинг кенжа тури бўлган интернетнинг хизмати беқиёсдир. Шу боис мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ САМАРАСИ

2010 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизга жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

2,6 баравар кўпайди.

Республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши мустаҳкам ҳимоя тизими яратилгани, қулай сарможий муҳит ва хорижий ишбилармонлар фаолият юритишлари учун мақбул шарт-шароитлар мавжудлиги чет эл инвесторларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ошириб, ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишига хизмат қилаётти.

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ



Маълумки, мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида депутат ва сенаторлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳақида сўз юритар экан, уларнинг фаолиятини замонага мос ҳолда жонлантириш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

ФАОЛЛИК ВА ТАШАБУСКОРЛИК

депутат фаолиятининг муҳим мезонларидир

Албатта, ушбу вазифаларни бажаришда доимий комиссия ва депутатлик гуруҳлари ёрдамига таянаемиз. Бунда асосий эътиборни ҳар бир депутатнинг ташаббускорлигини оширишга қаратаемиз. Айни пайтда Президентимиз томонидан кўйилган вазифаларни бажаришда доимий комиссиялардаги депутатларнинг соҳани чуқур билиши, ҳар бир масала бўйича ўз фикрига эга бўлиши муҳим аҳами-

Маълумки, Мирзачўлнинг аксарият ҳудуди кучли шамол йўналишида жойлашган. Тез-тез ва узоқ асосдан шамоллар ерни эрозияга дучор қилади, натижада тупроқ таркиби бузилади. Сайловчилар бу масалада фаоллик кўрсатиб, экин майдонлари атрофида иҳотазорлар барпо этиш таклифини илгари суришди. Дарвоқе, шу пайтгача бир қанча жойларда

Мушоҳада

иҳотазорлар ташкил этилган бўлиб, улар яхши самара бериб келмоқда. Уларнинг бу таклифини ҳам таҳлил қилиб, иш режасига киритдик. Шу асосда ҳозирда вилоят ҳудудида доғдарактлар янада кўпайтирилиб, янги боғлар барпо этилмоқда.

Айтиш лозимки, юртимизда аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқда қайта ишлаш тизимини кенгайтириш учун етарли асос ҳуқуқий ва иқтисодий асос яратилган. Аммо давр, тараққиёт бир жойда туриб қолмайди. Қонунлар такомиллашиб бормоқда. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар тобора чуқурлашаётди. Боз устига, бугунги кунда халқимизнинг фаолиги охиб, депутат ва сенаторларга, ислохотлар учун масъул бўлган ҳар бир инсонга катта умид ва ишонч билан қаралмоқда.

Бундай мисолларни ўз фаолиятимдан ҳам кўплаб келтиришим мумкин. Масалан, яқинда Сардоба туманида қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ва фермерлар иштирокида ўтказилган йиғилишни олиб кўрайлик. Унда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз, ўзимиз учун кўплаб фойдали таклифларни олдик.

Айтиш лозимки, юртимизда аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқда қайта ишлаш тизимини кенгайтириш учун етарли асос ҳуқуқий ва иқтисодий асос яратилган. Аммо давр, тараққиёт бир жойда туриб қолмайди. Қонунлар такомиллашиб бормоқда. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар тобора чуқурлашаётди. Боз устига, бугунги кунда халқимизнинг фаолиги охиб, депутат ва сенаторларга, ислохотлар учун масъул бўлган ҳар бир инсонга катта умид ва ишонч билан қаралмоқда.

Бундай мисолларни ўз фаолиятимдан ҳам кўплаб келтиришим мумкин. Масалан, яқинда Сардоба туманида қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ва фермерлар иштирокида ўтказилган йиғилишни олиб кўрайлик. Унда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз, ўзимиз учун кўплаб фойдали таклифларни олдик.

Шундай экан, биз депутатлар нафақат ташаббускор ва билимли, айни чоғда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишимиз зарур. Бундай юксак ишонччи оқлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абдумавлон МАҲМУДОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Сардоба туманидаги «Барака» фермер хўжалиги раҳбари.

КЕКСАЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Отaxonу онахонлар қадрланган жойда файзу барака, аҳиллик, тотувлик ва тараққиёт бўлади. Юртимизда қарилк гаштини сураётган ёши улуглар доимий ардоқда. Уларга байрам арафасида совға-саломлар улашилиб, моддий ва маънавий мадад кўрсатилмоқда. Бу уларнинг кучига-куч қўшиши табиий.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга, ёшлар тарбиясига ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎАА муҳбири.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу борада ёшларнинг, жумладан, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, уларни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ мустақкам миллий қонунчилик базасига таянади.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ёшларни қўллаб-қувватлашга доир ўндан ортиқ моддаси, "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонунлар асосида вужудга келган қонунчилик базаси, сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ёшларнинг баркамол бўлиб ривожланишига, айниқса, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётди. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистонда Бола ҳуқуқлари Конвенциясининг иккита қўшимча протоколи ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138 ва 182 Конвенцияларининг ратификация қилинганлигини келтириб ўтиш лозим. Қолаверса, юртимизда "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида устувор вазифалар изчил амалга оширилди, таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз ҳаётий тасдиқини топди.

Давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ мустақкам миллий қонунчилик базасига таянади.

Бинобарин, 2010 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб аталган ҳамда шу асосда Давлат дастури қабул қилиниши, бу борадаги муҳим ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаси ҳақида зарур маълумотларга эга бўлди. Эътиборлиси, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида, мазкур муаммоларни ҳал қилишга мутасадди бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва иш самардорлигини оширишга етарли имкон бермапти.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: САНОАТИ ПЕШҚАДАМ, САЛОҲИЯТИ ЮКСАК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳозирда маҳсулотининг асосий қисмини экспортга йўналтираётган мазкур корхонада 1500 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда ўтган йили Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида маҳсулот таннархи 21,6 фоизга арзонлаштирилиб, экспорт суръати 13 фоизга ўсди.



Шухрат ОЛИМОВ (ЎАА) олган сурат.

Шунингдек, яқинда Германиянинг "Нихофф" фирмасидан "Мультивер" дастгоҳи келтирилиб ўрнатилган, бу ерда янги маҳсулот — юқори эгилувчанликка эга электр ва автоўтказгичларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Қисми хорижлик истеъмолчиларга етказиб берилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Вор йўналиши — бу етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашдан иборат", дея алоҳида таъкидлаган эди. Вилоят корхоналарида эришилаётган ютуқлар айни шу мақсадлар йўлидаги самарий ҳаракатлар натижасидир.

Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишига бағиш-

ланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида "Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этидиган навбатдаги муҳим асту-

этувчиларнинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда уларнинг сафи экологик мавзудаги сайтлар ҳисобига бойиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.

Р. САИДОВ.

ЭКОЛОГИК САЙТЛАР ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар эса уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва тартибга солишда дастурийамал бўлиб хизмат қилапти.

Хизмат провайдерлари ва оператори, маълумотларни ўтказиш тармоғи, шунингдек, 963 та глобал ахборот тизимига қўшилиш пункти томонидан 2,7 миллион нафар кишига тезкор хизматлар кўрсатилаётгани бунинг исботидир.

Ф. КАЛОНОВ.

Дарҳақиқат, вилоятда 2010 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш учун 1,788 минг АҚШ доллари ва 3,564 миллион сўм миқдорда инвестиция йўналтирилди. Масалан, "Олмос текстиль" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари томонидан 1,605 минг АҚШ долларлик инвестиция киритилиши эвазига хориздан қуввати минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, калава ип тайёрловчи илгор технологиялар келтирилди.

Баркамол авлод йилида эса вилоят ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий киймати 27,4 миллион АҚШ долларлик 15 та, 2,6 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилиши эвазига эса 25 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Булларнинг бари юрт тараққиётини мустақкамлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

СОҒЛОМ ОНА СОҒЛОМ ФАРЗАНДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ишлар самардорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, қарорда белгиланганидек, бугунги кунда репродуктив саломатликни мустақкамлаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи шифо муассасаларининг фаолиятини янада яхшилаш борасида режали ишлар олиб боришмоқда. Чунинчи, "Она ва бола" скрининги Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларнинг ижро этилиши натижасида бўлажак оналар саломатлиги билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг олдини олишга эришилапти.

Булларнинг бари юрт тараққиётини мустақкамлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ўрик данагидан мой

"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда Маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида 2,2 миллиард сўмлик, 21 турдаги янги маҳсулот тайёрланди. "Эффект ойл" корхонасида ўрик данагидан ёғ олинаётгани — шулардан бири. Ўтган даврда бу ерда 112,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мазкур корхонада замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш ишлари якунига етказилган, мураббо, мева ва सबзавотлар қайласи тайёрлаш ўзлаштирилади.

Ф. КАЛОНОВ.

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



Маълумки, ўтган 2009 йилнинг октябры ойида "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалиётга жорий этилди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади, мазмуноҳияти тўғрисида маълумот берсангиз.

Иномжон ОҚИЛОВ. Қўқон шаҳри

МАЖБУРИЙ СУГУРТА - ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ходимнинг меҳнат вазибаларини бажариш чоғида майиб-мажруҳ бўлиши ёки касб касаллигига чалиниши каби кўрган зарарлари учун иш берувчининг жавобгарлиги назарда тутилган. Бугун биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаёмиз. Бундай шароитда иш берувчи тўлов қобилиятсизлиги, банкрот бўлиши ёки тугатилиши оқибатида ҳар доим ҳам ходим олдидида мажбуриятларини тўлиқ бажара олмаслиги мумкин. Ёки ходим вафот этган тақдирда, бир йўла бериладиган нафақа ҳамда унинг қарамонидида воқеа етмаган болалар ва бошқа шахсларга бир неча йил давомида ойлик тўловни амалга ошириш катта маблағларни талаб қилади. Бундай кўринишдаги харажатлар ҳам иш берувчининг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Маийб бўлганига қадар олган ўртача иш ҳақига нисбатан 3 ой давомида маийб бўлиши ёки касб касаллигига аниқланишига қадар олган ўртача иш ҳақига нисбатан 3 ой давомида ойлик тўлови белгиланади. Қонун ҳужжатларида жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, иш пайтида вафот этган ходимнинг оиласига, унинг ҳаётлигидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан бўлган тўлов белгиланади. Эсда тутиш керакки, бунда ҳар ойлик тўловда марҳумнинг оиласидаги меҳнатга қобилиятии шахсларга тўри келадиган улуш чегириб қолинади. Яна бир изоҳ: ходим вафот этганда мажбурий суғурта шартномасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда дафн этиш харажатлари тўланади. Ниҳоят, Қонунга мувофиқ, иш берувчининг қўшимча харажатларини ҳам компенсация қилиш амалга оширилади.

Иш берувчи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар - жисмоний шахслар меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан бошлаб 15 кундан кечиктирмай ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишлари шарт.

Қонунчи, Қонуннинг 18-моддасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олди олиниши бўйича иш берувчиларга суғурталовчилар томонидан тегишли тавсиялар бериш ҳуқуқлари ёзиб қўйилган.

А. ШАРОПОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Таниқли кино санъати усталарининг айрим вилоятларда ижодий учрашувлар ўтказгани ҳақида телевидение орқали кўриб билдик. Бу йил ҳам ана шундай гастроль сафарлари ташкил этиладими?

С. БЕРДИҚУЛОВ. Оҳангарон тумани

Ижодий учрашувлар давом этади



Дарҳақиқат, кейинги йилларда "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудудларида Ўзбек миллий

киноси кунларини ўтказиш аниқланаётган бўлмоқда. Эйтилганлар, бундай тадбирлар шаҳар ва туманлар марказларидагина эмас, балки энг чекка қишлоқ ва овулларда, саноят корхоналари ва муассасаларда ҳам ташкил этилмоқда. Таниқли санъаткорлар билан бўлган ижодий мулоқотлар муҳлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳамюртларимиз Ўзбек миллий кино санъатидаги ўзгаришлар, бугунги ижодий жараёнлар билан яқиндан танишиб, янги фильмларни томоша қилишмоқда. Ҳозирга-ча республикамизнинг деяр-

Фаолиятни расмийлаштирган маъқул

— Дурадгорлик билан шуғулланиб, шу хунар орқали оилани боқиб келаяпман. Аммо эндиликда фаолиятимни қонуний асосда юритишни, бу билан давлатга ҳам, ўзимга ҳам фойда келтиришни хоҳлайман. Бу жа-

раён қандай амалга оширилади? Умуман, фаолиятимни қонуний асосда йўлга қўйсам, қандай имконият ва имтиёزلарга эга бўлишим мумкин?

Мурод ИСМОИЛОВ. Нукус шаҳри

Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда хунармандлик фаолияти билан шуғулланаётган

юртдошларимизга кенг имконият ва имтиёزلар яратиб берилмоқда. Жумладан, улар солиқ ва бошқона тўловларидан озод этиладилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қув-

ватлаш тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳа вакилларига кўрсатилётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Хунармандлар кредит асосида фаолиятини янада кенгайтириш, ҳар хил грантлар ютиб олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, турли тилловлар, кўрғазма ва семи-

нарларда иштирок этишлари мумкин.

Бунинг учун, энг аввало, хунарманд ўзи яшаётган ҳудуддаги ҳокимликдан рўйхатдан ўтиши ва "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлиши керак. Бу билан у "якка тартибдаги тадбиркор" мақомига эга бўлади ва ҳар ойда Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақи миқдоридан тўлов ўтказиб боради. Дарвоқе, тадбиркор шу орқали ўзининг қариллиқ нафақасини ҳам таъминлаган бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркор меҳнат ва пенсия дафтarchалари билан таъминланади.

Азайда НУРУМБЕТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси раиси.

— "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга олий ўқув юртига ўқишга киритилари бирор бир имтиёз назарда тутилганми?

Феруз ЙЎЛДОШЕВ. Ғузур тумани

Ғолиблик ҳам шараф

— 2009 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг Халқаро ва республика спорт мусобақалари ғолиблари бўлган ўқувчиларга олий таълим муассасаларига тест синовлари ва қўшимча имтиҳонсиз ўқишга кириш имтиёзини бериш тартиб-қоидага асосан, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга олий ўқув юртига ўқишга киритилиши назарда тутилмаган.

О. ШАРАПХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижро этивчи директори ўринбосари.

Юсуф МУҲАММАДИЕВ, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Мактаб ёшига етмаган ўғлим ухлаётганда худди суюқ кемираётгандек тишларини гижирлатади. Эшитишимча, бу унинг ичагида курт болангидан экан. Шу тўғрими?

Шоира ИРИСМЕТОВА. Қумқўрғон тумани

Табиий неъматлар — энг яхши даво

одамининг вази камайиб боради, унда ланжлик, тез холдан тойиш, кўз тиниши, бош айланиши кузатилади. Бундай одамлар жаззакитабият бўлиб қолишади. Болаларда эса яна буй ўсмаслиги, хотира усайиши кузатилиши мумкин. Қилгижжадан холи бўлишининг турқона усуллари бор. Масалан, ошқоқов, картошка қоқов, мускат қоқов уруғининг мағзи, шунингдек, дармона (Полынь цитварная), дастарбош (пижма) каби табиат

неъматларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, дорихоналарда сотиладиган медамин, вермокс, зентел, гелминтокс каби қатор препаратларни шифокор тавсияси билан истеъмол қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Маннон НАБИЕВ, дорихунос.

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари белгиланган. Ушбу кодексга кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ қопланиши лозим. Бунда зарар кўрган

Абдурашул ЭРАНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси.



Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.15. Тошпирилди — 21.50.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова. Навбатчи — З. Худойшукuroв. Мусахҳах — Ш. Машраббоев. 12:45